

## БОЛАЛАР ФЭНТЕЗИ ЖАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Сайдова Нозима Ахроровна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети стажёр-тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7059767>

**Аннотация.** Болалар адабиёти умумий адабиётнинг муҳим тармоғи саналиб, унинг жсанр сифатидаги шаклланиши ва ривожланиши бир неча босқичларни босиб ўтган. Ушибу жсанр келиб чиқишининг илмий ҳамда назарий асослари, жсанр ривожланиши тарихи, унинг классификациясини таҳлил қилиш фэнтези жанрининг болалар орасида машҳурлигининг сабабларини очиб беришга хизмат қиласди. Шу нуқтаи назардан, ушибу мақолада болалар адабиётига хос жиҳатлар санаб ўтилиб, таҳлил қилинган. Фэнтези жанрининг кичик бир бўлаги саналган болалар фэнтези адабиётининг катталар фэнтезиси билан ўҳшиаш ва фарқли томонлари келтириб ўтилган. Бундан ташқари, ушибу жсанрнинг илк намуналари, китобхонлар томонидан севиб ўқиладиган ва омма томонидан умумэътироф этилган китоблари номи санаб ўтилган.

**Калим сўзлар:** болалар адабиёти, болалар психологияси, классификация, сюжет, қаҳрамон, иккиламчи дунё, адабий эртак, ёшлар адабиёти, ўсмиirlар адабиёти.

## СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ ЖАНРА ДЕТСКОЙ ФАНТАСТИКИ

**Аннотация.** Детская литература считается важной отраслью общей литературы, и ее становление и развитие как жанра прошло несколько этапов. Научно-теоретические основы возникновения этого жанра, история развития жанра, анализ его классификации служат раскрытию причин популярности жанра фэнтези среди детей. С этой точки зрения в данной статье перечислены и проанализированы характеристики детской литературы. Отмечаются сходства и различия детской фантастической литературы со взрослой фантастикой, которая считается небольшой частью жанра фэнтези. Кроме того, перечислены названия первых образцов этого жанра, книг, полюбившихся читателям и общепризнанных публикой.

**Ключевые слова:** детская литература, детская психология, классификация, сюжет, герой, вторичный мир, литературная сказка, молодежная литература, подростковая литература.

## FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE GENRE OF CHILDREN'S FANTASY

**Abstract.** Children's literature is considered an important branch of general literature, and its formation and development as a genre went through several stages. The scientific and theoretical foundations for the emergence of this genre, the history of the development of the genre, and the analysis of its classification serve to reveal the reasons for the popularity of the fantasy genre among children. From this point of view, this article lists and analyzes the characteristics of children's literature. Similarities and differences between children's fantasy literature and adult fiction are noted. In addition, the names of the first examples of this genre, books that are generally recognized by the public are given.

**Keywords:** children's literature, children's psychology, classification, plot, character, secondary world, literary story, youth literature, teenager's literature.

## КИРИШ

XX-XXI аср адабиётида болалар адабиётининг айниқса болалар фэнтези жанрида ёзилган асарларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Болалар фэнтези китоблари бошқа жанр

намуналаридан ўзининг саргузаштларга бойлиги, воқеалар ривожининг қизиқарлилиги, реал ҳаёт муаммоларидан қочиш имконини бериши ва сехр-жоду унсурларидан фойдаланилгани билан ажralиб туради. Россиянинг Череповца давлат университети талабалари орасида китоб ўқиши тенденцияси борасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, овоз берганларнинг 82,8%и фэнтези асарларини ўқишларини таъкидлаганлар.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Болалар адабиёти 16 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган адабий асарлар, наср, назм, драма ҳамда илмий асарлар ҳисобланади.

Болалар адабиётининг асосий хусусиятлари қуидагилар:

- Асарлар болалар психологиясини ҳисобга олган ҳолда ёзилади. Муаллиф болаларнинг қизиқишлидан келиб чиқиб, болалар кўп ишлатадиган сўзлардан фойдаланиб, болаларнинг эътиборини ва қизиқишини уйғотадиган қилиб ёзади;
- Болалар қисқа ва лўнда асарларни яхши кўради ва узоқ тасвирлашлардан қочади. Уларни қизиктирадиган асосий савол “кейин нима содир бўлади?”;
- Болалар учун қаҳрамонларнинг қайси ахлоқий гуруҳга мансублиги аниқ белгиланган бўлиши керак—қайси қаҳрамон яхши-ю қайси бири ёмон, қайси ижобий ва қайси салбий, ростгўй ёки ёлғончи кабиларни бола аниқ билиши керак;
- Болалар асарлардаги қаҳрамонлар ҳам ўзларининг ёшида бўлишини истайдилар. Улар ёши катталар ҳақида ўқиши, уларнинг йўл бошлишини хоҳламайдилар. Шахслантирилган ҳайвонлар ва ўйинчоқлар ҳам болалар орасида машхур;
- Болалар дунёни фақатгина сўзлар орқали эмас, балки расмлар, овозлар, таъм ва ҳаракатлар орқали сезадилар. Шунинг учун улар ушбу ҳиссий бирликларнинг ўзлари ўқийдиган асарларда иштирок этишини истайдилар. Болалар аниқ тасаввурлар, суратли китоблар ва қизиқарли графики матнларни ёқтирадилар;
- Болалар китобларининг тили болаларнинг оғзаки сўзлашувда ишлатадиган сўзларига асосланади. Бунда гаплар оддий қурилишга эга;
- Болалар учун энг табиий ва муҳим машғулот—бу ўйин. Болаларнинг ўйинлари фантастика ва тасаввурга асосланган бўлганлиги сабабли, улар китобларда ҳам шунга ўхшаш нарсаларни ўқиши хоҳлайдилар.

Ненси Андерсон болалар адабиётини жанр жиҳатидан ижро техникаси, мазмуни, ҳажми ва мавзусига кўра қуидаги гуруҳларга бўлинади:

- Расмли китоблар—хисоблаш ва ўқиши ўргатадиган китоблар;
- Анъанавий адабиёт—ўтмишдаги халқларнинг афсоналари, урф-одатлари, хурофотлари ва эътиқодларини етказувчи фолклёр эртаклари;
- Бадиий адабиёт—фэнтези, реализм, тарихий фантастика киради;
- Бадиий бўлмаган адабиёт;
- Биография ва автобиография;
- Шеърият;

Рус олимаси С.А. Карайченсева ёш тоифасига кўра китобларни қуидаги тоифаларга бўлади:

болалар учун мўлжалланган китоблар:

- мактабгача ёшдаги болалар - 1 ёшдан 6 ёшгacha,

- кичик мактаб ўқувчилари - 7 ёшдан 10 ёшгача
- ўсмиirlар учун мўлжалланган китоблар:
- ўрта мактаб ёши - 11 ёшдан 13 ёшгача
- катта мактаб ёши - 14 ёшдан 16 ёшгача.

“Кўпол қилиб айтадиган бўлсақ, XVII асрнинг болалар учун китоблар мавжуд бўлмаган бўлса, XVII асрнинг ўзида бундай китоблар сони саноқли эди. Ўқув китоблари, шунингдек, хулқ-атвор қоидаларига бағишлиланган насиҳат китоблари бир талай бўлса ҳам, уларнинг ҳеч бири болаларда китоб ўқишдан роҳат ҳиссини уйғотмас, аксинча, уларда олдиларида турган вазифа ва хато қилишдан қўрқиши ҳиссинигина келтириб чиқарарди. Фақат XVIII аср ярмига келибгина болалар китоблари инглиз адабиётининг кўзга кўринмас қатламидан алоҳида, мустақил адабиёт сифатида ажralиб чиқди”.

Фэнтезининг кичик бир жанри ҳисобланган болалар фэнтезиси ва болалар адабиёти элементларини қамраб олади. Адабиётшуносликда ушбу жанрга етарлича таъриф берилмаган. Қоидага кўра, ушбу асарларнинг асосий қаҳрамонлари ноёб қобилиятга эга бўлган болалар бўлиб, сехрли нарсалар ёки иттифоқчилари уларга ёвуз рақибларни мағлуб этишга имкон беради. Сюжет кўпинча тарбиявий ҳусусиятни ўзида акс эттиради.

Баъзи рус адабиётшунослари "болалар фэнтезиси" тушунчасини иложи борича кенгроқ талқин қилиб, XX-XXI асрларда болалар ва ўсмиirlар учун яратилган барча фантастик асарларни ушбу гурухга таалуқли деб таъкидлашади. Бошқа томондан, Е.Афанасева ўзининг фэнтези жанрининг ҳозирги кундаги энг мақбул классификациясини тақдим этган "Фэнтези жанри: таснифлаш муаммолари" мақоласида жуда оз сонли рус ёзувчилари болалар фэнтезиси жанрида фаолият олиб боради, шу жумладан Владислав Крапивин ва Кир Буличев, қолган ҳолларда эса адиблар Гарри Поттер асарига тақлид тарзида ўз асарларини яратишади, масалан, Д. Еметснинг асарлари бунинг ёркин далили ҳисобланади деб таъкидлайди.

Афанасева таснифига кўра, 6-мезон бўйича фэнтези китоблари адресатга қаратилганига кўра гурухларга бўлинади. Ўқувчининг адабий жараёндаги ўрнини ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ. Ушбу таснифга кўра, катталар ва болалар фэнтезиси ажратилади. "6. Муаллиф ўз ўқувчиси эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда асар яратиш мақсадига кўра: катталар ва болалар фэнтезиси."

Бу жанрининг илк намуналарига адабиётшунослар Л.Керроллнинг "Алиса мўжизалар мамлакатида" (1864) ва "Алиса ўзойнак ортида" (1871), Чарлз Кингслининг "Сув болалари" (1863), Жорж МакДоналднинг "Малика ва гоблин" (1872) каби асарлари бор.) томонидан, шунингдек, Л. Баумнинг Сехрли ўлка ҳақидаги асарлари циклини киритишади. "Нарния салтанати" китоби муаллифи Клайв Люис ўз мақолаларидан бирида фэнтези кўпроқ болалар адабиётида учрайди, шунинг учун ҳам ушбу жанрда ижод этувчи ёзувчилар болаларда миннатдор аудиториясини топа олишини таъкидлаган.

Болалар фэнтезиси - эртакнинг саргузаштли ҳикоя билан уйғунлашуви асосида пайдо бўлган синтетик адабий жанр бўлиб, муаллифлик мифологик архетипларнинг (хронотопик, сюжет, характер) транспозицияси ўзгартириш киритишига асосланган. Сюжет марказида дунёни қутқарадиган сехрли боланинг архетипи сифатида ўсмиirlар қаҳрамон туради. Жанрининг хронотопик ўзига хослиги бир нечта "дунё" ўлчовларини ўз

ичига олган "иккиламчи дунё"ни моделлаштиришдан иборат бўлиб, улар орасидаги алоқа фақат "сехрли" манипуляциялар орқали амалга ошиши мумкин.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Т.А. Чернышева адабий эртакларнинг сюжети асосида яратилган фэнтези асарларини "ўйин фэнтезиси" деб атаган: "Адабий эртакнинг янги анъанаси қадим замонлардан бери мавжуд бўлиб келган карнавал ўйинли дунёни қайта қуриш анъанаси билан боғлиқ. Улар биргалиқда биз ўйин фэнтезиси деб атайдиган нарсани яратадилар. Ушбу турдаги асарларда сеҳргарлар, гапирадиган ҳайвонлар, жонлантирилган нарсалар ўзга сайёраликлар, космик кемалар ва роботлар билан бирга яшайди. Бошқача айтганда, тадқиқотчи болалар фэнтезисини фэнтези адабиётининг алоҳида тури сифатида ажратмасдан гапиради. Болалар фэнтезиси нафақат асосий фэнтези анъаналарининг вориси сифатида, балки адабий фэнтезига элементлари ўтган эртакнинг давомчиси сифатида ҳам ишлайд. Болаларнинг фэнтези асарларида мифлар, афсоналар, эртаклар қайта талқин қилинади; улар асосида яратилган архетиплар янги сюжет кодларига эга бўлади.

Рус фолклоршунос олимни В.П. Аникин талқинига кўра, бунинг сабаби шундаки "Ёзувчиларнинг услуги қанчалик оригинал бўлмасин, ўз фэнтези асарларини яратиша улар фолклёр билан кучли алоқа ҳис қиласидар, ёзувчилар эртаклари авлодлар онгига барча халқларнинг эртаклари билан бирлашади".

Машҳур болалар фантаст ёзувчиси К. Булычев болалар фэнтезиси концепсиясига мурожаат қиласиди. У эртак ва болалар фэнтезисига қўйидаги таърифни берган: "Эртак нафақат эртак қаҳрамонлари тўплами, балки бу персонажлар хатти-ҳаракатининг эртак қонуниятлари билан боғлиқлигига асосланади... Фэнтези ижодкорлари эса шундай ҳийланайрангни ўйлаб топишган: эртак муҳити яратилади, унга эртак қаҳрамонлари жойлаштирилади, бироқ ушбу қаҳрамонларга ҳақиқий замонавий одамлар каби фикрлаш ва ўзини тутиш имконияти берилади».

## МУҲОКАМА

Фэнтези жанрига оид асарларни таҳлил қилиш давомида асарларнинг сезиларли қисми айнан ёши катта аудитория учун ёзилганига гувоҳ бўлдик, чунки асарнинг аннотация қисмида 16+ ёки 18+ ёзувлари акс этган. Қилган таҳлилларимиз давомида катталар ва болалар фэнтезиси орасидаги қўйидаги фарқларни аниқладик:

1. Катталар фэнтези асарлари қаҳрамонлари турли ёшдаги одамлар бўлса, болалар фэнтезисида бош қаҳрамонлар ҳар доим болалар ёки ўсмирлар бўлади;
2. Катталар учун ёзилган асарларда сиёсий, иқтисодий ёки бошқа шу каби муаммолар ёритилса, болалар асарларида илк муҳаббат, ўсмирлик муаммолари каби болаларга оид муаммолар ўқ аксини топади;
3. Ёши катталар фэнтезиси сюжети агрессия, зўравонлик, севги-муҳаббат каби 18+ сюжет воқеаларига бой бўлади, болалар фэнтезисида бўлса саргузаштлар занжири, ҳаракатлар ва диалоглар кўп тасвирланади;
4. Катталар асарларни асосан вақтичоғлик мақсадида ўқишига, болалар учун мўлжалланган асарлар тарбиявий аҳамият касб этади.

Ёшлилар адабиёти жанрида тақдим этилган хорижий адабиётлар ҳақида гап кетганда, жанр номи турли йўллар билан берилади, масалан, ёши катталар (young adult), ёшлилар адабиёти, ўсмирлар адабиёти. Америка Кўшма Штатларида ёши катталар адабиёти,

Америка кутубхонаси ассоциациясининг Ёшлар адабиёти бўлими томонидан таърифланганидек, 12 ёшдан 18 ёшгacha бўлган одамлар учун мўлжалланган. Айни вақтда, инглиз тилидаги ёши катталар тушунчаси 17 ёшдан 21 ёшгacha бўлган ёшни назарда тутади.

Рус анъаналарида ўсмирлар адабиёти асосан 15-16 ёшгacha бўлган китобхонлар учун мўлжалланган болалар адабиёти концепцияси ичига киритилган. Шу билан бирга, бу ёш ёшлик ёки катта мактаб ёши деб аталиб - 14 йошдан 16 ёшгacha ва "ўсмирлар учун китоблар" атамаси эса ўрта мактаб ёшидаги яъни 11 ёшдан 13 ёшгacha бўлган болалар учун мўлжалланган адабиётга тегишли..

Ўсмирлар адабиётининг ўзига хос хусусиятлари - кўп қиррали сюжет, зарба эфектини қўллаш ўрнига кескинлик яратиш, ёрқин персонажлар, фактларни аниқ ва батафсил етказиш, ҳаётий диалоглар, тушунарли тақдимот услуби, ҳазил туйғуси, қизиқарли кириш ва эсда қоларли тугаш саналади. Ушбу асарларда мавзу доираси ёшлар, биринчи навбатда, ўсмирлик муаммоларига асосланади: дунёга чиқиш, биринчи катталар қийинчиликлари, биринчи севги, яқинларини йўқотиш, ўз комплекслари ва қўрқувларини йэнгиш ва ҳоказо. Бундай асарлар ўсмирлар билан бир хил тилда гаплашади ва ҳаракат қайси манзарада содир бўлади - фантазия, дистопия, космик ёки ҳақиқий - кўпинча унчалик муҳим эмас.

Эртаклар ўқувчилар томонидан жиддий қабул қилинади, деган тахмин қанчалик кулгили туюлмасин, шунга қарамай улар устозлик вазифасини бажаради яъни шараф, одоб, муросасизлик, ёлгон ва ёвузлик билан курашиш зарурати кабиларни ўргатади. Кўпгина фэнтези китобларида ёвузлик ва ёлгон ҳақиқий ҳаётда дуч келадиган ҳолатига ўхшамаслиги муҳим аҳамият касб этмайди. Бундай китоблар ниқоб остида, шу жумладан яхшилик ниқоби остида ёмонликни топишга ўргатади. Ёлғон доим ёлғон бўлиб қолишини, унга қарши курашиш одати вақт ўтиши билан йўқолмаслигини ўргатади. Улар ҳаётга муҳаббатни унинг барча кўринишларида ўргатади. Фэнтези жанри адабиётга кучли ва ғурурли инсоннинг романик образини қайта жонлантирди. Қаҳрамон муқаррар равища бош ҳарфли Қаҳрамон бўлиши керак. Ёвузлик охир-оқибат мағлуб бўлиши керак, дунёда тартиб ҳукмронлик қилиши керак ва бу тартиб, тинчлик ва умумий фаровонлик, оддий яхши инсон бўлмиш қаҳрамонга боғлик. Қаҳрамон ва у билан бирга китобхон нафақат ўз муаммоларини ҳал қилиши, балки атрофида содир бўлаётган барча нарсалар учун жавобгар бўлиши керак. Бу, фэнтези қонунларига кўра, инсонга лойиқ бўлган ягона йўлдир. Шундай қилиб, воқеликдан бутунлай мавхум бўлиб қўринган асар фаол фуқаролик, ҳаётий позицияни тарбиялайди.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, болалар ёши ва психологиясига мос мавзуларни қамраб олган, асар қаҳрамонлари болалар ёки ўсмирлардан иборат бўлган, сюжет воқеалари саргузаштларга бой бўлган, 16 ёшгacha бўлган аудитория учун мўлжалланган асарлар болалар адабиёти саналади. Ушбу адабиётнинг бир таркибий қисми саналмиш болалар фэнтезиси сирасига иккиласми дунёда содир бўлган воқеалар тасвирланган, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, яхшилик ва ёвузлик орасида кураш тасвирланиб, яхшилик ғалаба қозонадиган асарлар киради. Катталар фэнтезисидан фарқли ўлароқ, ушбу асарларда илк муҳаббат, ота-она билан муносабатлар каби болаларга доир мавзулар ўз аксини топади.

Ушбу асарлар бола шахсининг руҳий, психологик ва эмоционал ривожланишида сезиларли таъсир кўрсатади.

## REFERENCES

1. В. А. Белов, В. В. Громова, СОВРЕМЕННЫЕ ЧИТАТЕЛЬСКИЕ ПРЕДПОЧТЕНИЯ ПОДРОСТКОВ И ЮНОШЕСТВА, 2014
2. Bobulová I., Pokrivčáková S., Preložníková E., Přibylová I. Children's and Juvenile Literature / (Written in English). – Nitra : Univerzita Konštantína Filozofa, 2003. p.10.
3. Anderson, Nancy. Elementary Children's Literature. — Boston: Pearson Education, 2006. — ISBN 0-205-45229-9.
4. Карайченцева С.А. З. Детская книга // Книговедение: Литературно-художественная и детская книга. Издания по филологии и искусству. — Московский государственный университет печати. Архивная копия от 16 октября 2018 на Wayback Machine
5. Darton, Harvey. Children's Books in England: Five Centuries of Social Life. Cambridge University Press, 2011, p-1.
6. Современная детская фэнтези в круге детского чтения и на уроках в школе. [www.literary.ru](http://www.literary.ru). Дата обращения: 21 мая 2018.
7. Афанасьева Е. Жанр фэнтези: проблема классификации // Фантастика и технологии (памяти Станислава Лема).
8. Сборник материалов Международной научной конференции 29–31 марта 2007 г. – Самара, 2009. – 251 с.
9. Lewis, C. S. (Clive Staples), 1898-1963. Of other worlds : essays and stories. — New York: Harcourt Brace Jovanovich, 1975, ©1966. — С. 41. — 148 с. — ISBN 0156678977.
10. Чернышева, Т. А. О старой сказке и новейшей фантастике / Т. А. Чернышова //Вопросы литературы. – 1977. – № 1. – С. 229–248.
11. Аникин В.И.Русская народная сказка. - М.: Художественная литература,1984.-175 с.
12. Программа «Proчтение» от 25 июля 2014 года. Дата обращения: 16 июня 2020. Архивировано 26 сентября 2014 года.
13. Англо-Русский словарь по полиграфии и издательскому делу Архивированная копия (недоступная ссылка). Дата обращения: 2 декабря 2014. Архивировано 8 марта 2016 года.
14. Cart, Michael. From Insider to Outsider: The Evolution of Young Adult Literature // Voices from the Middle. — 2001. — № 9 (2). — С. 95–97.
15. Англо-Русский юридический словарь Архивированная копия (недоступная ссылка). Дата обращения: 2 декабря 2014. Архивировано 8 марта 2016 года.
16. Литература и язык. Современная иллюстрированная энциклопедия / Под ред. П. А. Николаева, М. В. Строганова.. — 1990.
17. Карайченцева С.А. З. Детская книга // Книговедение: Литературно-художественная и детская книга. Издания по филологии и искусству. — Московский государственный
18. Stephens, Jonathan. Young Adult: A Book by Any Other Name...:Defining the Genre (англ.). The Alan Review (Fall 2007). Дата обращения: 24 ноября 2014.
19. Русская фантастика XX века в именах и лицах: справочник. Под ред. Мещеряковой М.И. М.:Мегатрон, 1998.- 136 стр.